

Дунё юзини кўрмаган асарлар



11:10 / 18.09.2019 3770

Фазилатли шайх ҳазратларининг дунёдан ўтганларига қарийб 4 йил бўлибди-ки у кишининг ёзган китоблари ҳануз нашрдан чиқишда давом этмоқда, китобхонларимизга етиб бормоқда. Энг ҳайратланарлиси, ҳали шайхимизнинг чоп этилмаган бир талай асарлари ҳам бор. Бу ҳақда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ўғиллари Исмоил Муҳаммад Содиқ шундай дейдилар:

«Ҳазрат вафот этганларидан сўнг, у кишининг қаламларига мансуб нашрга тайёрланаётган 15 та асар мавжуд. Бу асарлар ҳали дунё юзини кўрганича йўқ. Шайх ҳазратлари бу китобларни ўзлари шогирдлари билан биргаликда дарс қилиб ўтганлар. Дарс ўтиш жараёнида китоблар таржимаси ҳам қилиб борилган. Мисол учун яқинда нашрдан чиққан китоб «Олам ва одам, дин ва илм» асарлари китобхонларимизга тақдим этилди.

Ушбу китобни шайх ҳазратлари ҳаётлик чоғларида 2014 йил 4 июль жума куни эрталаб соат 9:50 да ёзиб тугатган эканлар. Ҳозир ҳисоблаб кўрсак, 5 йил-у икки ойдан зиёд вақт мобайнида шу китоб дунё юзини кўрибди. Бугунги кунда қолган китоблар ҳам нашрга тайёрланмоқда».

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Роббим, илмимни зиёда қил!» (Тоҳа сураси, 114-оят).

Аллоҳни таниган бандага шу дуонинг ўзи кифоя қилади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга биргина нарсани зиёда этишни сўраб дуо қилишни буюрган. У ҳам бўлса, юқоридаги оят — илмдир.

Азиз китобхон, қуйида фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳали дунё юзини кўрмаган, нашрга тайёрланаётган китобларининг жадвал кўринишидаги маълумотини сизларга тақдим қиламиз.

	Китобнинг номи	
1.	«Нодир асллар». Ҳаким термизий	Таржи
2.	«Янги ҳаёт» (Муридлар одоблари) Ҳаким термизий	Таржи
3.	«Уч бало» (Ислом гиёҳвандлик, ароқхўрлик ва кашандаликка қарши)	Таъли
4.	«Қазо ва қадар» тугалланмаган	Таъли
5,6.	«Замонавий фикҳий муомалалар баҳслари 1-2» Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий	Дарсд
7.	«Молиявий муомалалар» Доктор Рафиқ Юнус Мисрий	Дарсд
8.	«Мерос» Шайх Муҳаммад Алий Собуний	Дарсд
9.	«Закот» Кувайт дин ишлари вазирлиги	Дарсд
10.	«Тасаввуф ҳақида ҳақиқатлар» Шайх Абдулқодир Ийсо	Дарсд
11.	«Фикҳий қоидалар» Шайх Аҳмад Муҳаммад Зарқо	Дарсд
12.	«Замонавий фикҳий қоидалар» Шайх Алий Аҳмад Надавий	Дарсд

13.	«Замонавий молиявий муомалалар» Шайх Ваҳба Зуҳайлий	Дарсда
14.	«Авлaviёт фикҳи» Шайх Юсуф Қарзовий	Дарсда
15.	«Тасаввуф қоидалари» Шайх Аҳмад Зарруқ Фосий	Дарсда

Аллоҳ таоло барчамизни илмга муҳаббатли ва амалда татбиқ этувчи солиҳ бандаларидан қилсин!

Islom.uz портали